*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлигига роппа-роса бир йил бўлди.*

*Қарор ижроси бўйича нима ишлар қилинди? Ўзбекистон футболининг бугунги аҳволи қандай?*

*Ўтган жума куни Ўзбекистон Президенти Девонида ана шу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика футбол федерацияси раҳбарлари, вилоятлардаги футбол клублари президентлари, бош мураббийлар ва бошқа мутахассислар иштирок этишди.*

*Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов раислигида ўтган ушбу йиғилишда республика футбол федерацияси президенти З. Алматовнинг ҳисоботи тингланди. Аввало шуни таъкидлаш керакки, йиғилишда жойларда қарор ижроси талаб даражасида эмаслиги, терма жамоамизнинг Осиё чемпионатидаги, «Навбаҳор»нинг МДҲ чемпионлари кубоги ўйинларидаги мағлубиятлари сабаблари кескин муҳокама этилди. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими, республика футбол федерациясининг вице-президенти К. Тўлаганов, Республика мудофаа вазири Р. Аҳмедов, «Нефтчи» жамоаси бош мураббийи Ю. Саркисян ва бошқалар мағлубиятлар сабаблари ҳақида тўхталишди, футболимиз нуфузини ошириш бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдиришди.*

*Йиғилишда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Орипов иштирок этди.*




# МАЙДОН — ҒУРУР СИНОВИ

*Ҳозир футболимиз ҳақида гап кетса, бир-бирига қарама-қарши саволлар ёғилиб келаверади, фикрлар ҳам. Миллий терма жамоамиз Осиё чемпионатида шармандали мағлуб бўлгач, асосан икки хил гап айтилди: биринчиси — бундай бўлиши мумкин эмасди. Бизда куч бор эди. Фақат терма жамоа мураббийлари айби билан енгилдик. Иккинчиси — Хиросимадаги ғалаба тасодиф эди, омадимиз келганди. Футболимиз замини аслида бўш.*

*Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлари кубоги учун Москвада ўтган анъанавий турнирда «Навбаҳор»нинг мағлубияти иккинчи фикрни кучайтириб юборди. Тўғри, спортда мана-ман деган жамоалар ҳам енгилади. Аммо, ютқизиқ билан ютқизиқнинг фарқи бор. Чемпионимиз «Навбаҳор»нинг «Зимбру» жамоасига кутилмаганда 0:5 ҳисобида ютқазиши футболимизнинг бугунги баҳосини кўрсатди. Энг зўримиз, чемпионимизнинг аҳволи шу бўлса, бошқалардан нимани кутиш мумкин?*

*Бу фикрга қўшилмайдиганлар ҳам бор, албатта. Президент девонида бўлган йиғилишда «Нефтчи» бош мураббийи Ю. Саркисян «бу мағлубиятлардан фожеа ясаш керак эмас, биз бироз ортга кетдик, холос», деди. Мағлубиятларни ички бир қайсарлик билан тан олишни хоҳламаётганимизнинг сабаби нимада? Ўзбекистон футболи собиқ Иттифоқ даврида ҳам ўз мавқеига эга эди. «Пахтакор» билан ҳеч ким ҳазиллашолмасди. Мустақил бўлганимиздан сўнг 1994 йилда «Нефтчи» МДҲ чемпионлари кубогида финалга чиқди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси Хиросимада Осиёни лол этди. 1995 йилда эса терма жамоамиз Афро-Осиё миллатлараро кубоги учун футболи дунёга маълум ва машҳур бўлган Нигерия терма жамоаси билан учрашди. Кичик фарқ билан ютқазган бўлсак-да, йигитларимиз муносиб ўйин кўрсатишди. Ана шулар ҳақида ўйласак, бугунги мағлубиятларни тан олгимиз келмайди. Ҳақиқатан ҳам бундай мағлубиятлар бизга сира ярашмайди. Ярашмаслигининг яна бир томони Ўзбекистоннинг обрў-эътибори дунё миқёсида ошиб бораётганига, ички ва ташқи сиёсатимиздаги барқарорликка, иқтисодий тараққиётимизга кўплар ҳавас билан қараб турган бир пайтда футболимизнинг оқсаши мантиққа тўғри келмайди.*

*Афсуски, Хиросимадан кейин футболчиларимиз ўз мухлисларини бирон марта ҳам хурсанд этишолмади. Ёшларимиз Осиё чемпионати саралаш ўйинларидан чиқиб кетишди, ўсмирларимиз Осиё чемпионати финал босқичида йирик ҳисобларда енгилишди, олимпиячиларимиз эса саралаш турнирларидан ўтишолмади. Футболимизга нима бўлди ўзи?*

*Беморни даволашдан олдин унинг дардига ташхис қўйилади. Ўзбекистон футболининг «касали»ни аниқлаш учун узоқ бош қотириш шарт эмас. Фақат ўтган даврга диққат билан қараб, бир неча саволга жавоб топишга тўғри келади.*

**БИРИНЧИ САВОЛ: ФУТБОЛИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН БИЗДА ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИМИ?**

— Менимча, ҳозир бирор мутахассис йўқ деб жавоб беришга уялса керак. Республикамизда футболни ривожлантириш бўйича ҳукумат томонидан иккита муҳим қарор қабул қилинди. Юртбошимиз қатор йиғинларда футболни оммалаштириш, унинг моддий-техника базасини яхшилаш ҳақида куйиниб гапирди. Бирорта мамлакатда футболга бунчалик кўп эътибор берилганлигини эшитмаганмиз. Шунингдек, ҳеч бир мамлакатда футбол соҳасига биздагичалик имтиёз берилмаган.

**ИККИНЧИ САВОЛ: ШУНЧА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН НИМАЛАРГА ЭРИШИЛЯПТИ?**

— Ўтган йили Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» ва вилоятлардаги кўпгина стадионлар таъмирланди. Китоб, Муборак, Усмон Юсупов, Тошлоқ, Денов, Сариосиё, Бойсун, Узун туманларида, Паркент шаҳрида янги ўйингоҳлар фойдаланишга топширилди. Деярли барча вилоятларда футбол федерациялари тузилди. Профессионал клублар ташкил этиш бўйича дастлабки қадамлар ташланди. Қатор жамоалар номлари миллийлаштирилди...

Бироқ, айрим ҳокимлар футболга нега бунчалик аҳамият берилаётганлигининг сабабини тушуниб етишмаётир. Футболни бошқаришга шахсан жавобгар бўлган баъзи ҳокимлар бу вазифани ўринбосарларига топшириб қўйдилар. Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида ҳанузгача футбол федерациялари тузилмади. Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида эса федерациялар номигагина ишламоқда. МҲСК, Навоийнинг «Зарафшон», Бекободнинг «Металлург», Урганчнинг «Динамо», Термизнинг АСК, Қаршининг «Динамо-Насаф» жамоалари ўз-ўзини бошқарадиган футбол клубларига айлантирилмади. Таъсисчилар ажратган маблағлар жамоаларнинг кундалик харажатларига ишлатиб юборилди. Ваҳоланки, клублар бу маблағдан оқилона фойдаланиб, бойиб олиши керак эди. Мустақил, бақувват клублар ташкил этилмаса жамоалардаги моддий муаммо ўз ечимини топиши қийин. Айрим клублар тижорат фирмаси очиб, олди-сотди билан шуғулланишяпти. **ШУ ЎРИНДА БИР ТАКЛИФНИ ЎЙЛАБ КЎРИШ КЕРАК.** Республикамизда ер кўп, ночор хўжаликлар, чорвачилик фермалари ҳам оз эмас. Футбол клублари ишлаб чиқариш ва қайта тайёрлашга мўлжалланган деҳқон-фермер-боғдорчилик хўжаликлари ташкил этса бўлмайдими?

**УЧИНЧИ САВОЛ: МУРАББИЙЛАР ВА ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ЎЗ БУРЧЛАРИГА, МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИГА МУНОСАБАТЛАРИ ЎЗГАРДИМИ?**

— Футболимизни тубдан қайта қуриш учун кураш кетаётган бир пайтда уларда астойдил изланиш бўлмади. Машғулотлар эскича услубда давом эттирилаверди. Устига-устак интизомсизлик, масъулиятсизлик авж олди. Машғулотларга кечикиб келиш, номига машқ қилиш оддий ҳолга айланиб қолди. Футболчиларнинг вазнлари оғирлашиб кетиши, бир текис ўйин кўрсатмасликлари, майдондаги баъзи олифтагарчиликлари мураббийларни унчалик ташвишлантирмаётганга ўхшайди.

Футболчиларнинг чекиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилишлари-чи? Аксарият мураббийлар бунга ҳам кўникиб кетишган. Кимдир «наҳотки, йўғ-э», дейиши мумкин. Афсуски, бундайлар ҳар бир жамоада топилади. Интизомсизлик майдонда ҳам «намойиш» этиляпти. Ўтган йили 57 нафар футболчи ҳакамлар томонидан огоҳлантирилди. 109 нафари эса майдондан чиқариб юборилди. Интизомсизликлар, футболчиларнинг жисмонан бўшлиги, жон куйдириб ҳаракат қилмасликлари ўйинлар савиясини тушириб юбораётир.

**ТЎРТИНЧИ САВОЛ: КЕЛИШИЛГАН ЎЙИНЛАР БОРЛИГИ РОСТМИ?**

— Мамлакат чемпионати ўйинлари бўш ўтаётгани, футболчилар маҳорати ошмаётганлигининг яна бир сабаби айнан «келишилган ўйинлар»га бориб тақалади. Бундай ўйинлардан ким манфаатдор? Келишилган икки жамоа мураббийлари ва айрим ҳакамлар. Ўтган йили футбол федерацияси бир қатор нохолис ҳакамларга нисбатан жиддий чора кўрди. Бироқ бу билан келишилган ўйинларни тўхтатиб бўлмайди. Чунки чемпионат қоидасида бунга имкон бериб қўйилган. **ОЛИЙ ВА БИРИНЧИ ЛИГАДАГИ ЖАМОАЛАРНИ ШАРТЛИ РАВИШДА УЧ ГУРУҲГА БЎЛИШ МУМКИН.** Совринли ўринларга даъвогарлар ва ўз ўринларини сақлаб қолишга уринаётганлар. Юқори ва қуйи поғонадагиларга очко зарур. Совриндор бўлиш ёки лигадан тушиб кетмаслик учун. Ўртадагиларга эса барибир. Юқорига ҳам, пастга ҳам очко ҳадя этаверишлари мумкин. Чунки чемпионатда 4-14 ўринларни эгаллаганлар ҳеч нарса ютишмайди. Бизда совриндорлардан ташқари Кубок эгасигина ғалабалардан манфаатдор. Чемпионат ўйинларини кучайтириш учун эса кучли олтиликка, саккизликка, ўнликка кирган жамоаларни рағбатлантириш йўлларини ишлаб чиқиш керак. Айниқса, вилоятлар федерациялари.

**БЕШИНЧИ САВОЛ: ФУТБОЛИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ ЎРИНБОСАРЛАР МАСАЛАСИГА БОҒЛИҚ. БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАЁТГАН МУРАББИЙЛАР КИМЛАР? УЛАРНИНГ БИЛИМЛАРИ, САВИЯЛАРИ ЕТУК ФУТБОЛЧИЛАРНИ КАМОЛ ТОПТИРИШГА ҚОДИРМИ?**

— Агар биз эртага халқаро майдонларда байроғимиз ҳилпирашини юракдан истайдиган бўлсак, болалар футболи алоҳида эътиборга муҳтожлигини тан оламиз. Бизда болалар — ўсмирлар — ёшлар — усталар жамоаларигача бўлган масофада истеъдодларни авайлаб тарбиялашга қаратилган махсус дастур етишмайди. Шунингдек, болалар ва ўсмирлар билан ишлайдиган мураббийларни рағбатлантириш имкониятларини ҳам излаш зарур. Футболимизнинг эртанги куни айнан шуларга боғлиқ. Чим ётқизилган оддий майдончалар, футбол тўплари, бутсилар тушларига кириб чиқаётган болалар оз эмас.

Болалар мураббийлари дунёнинг илғор тажрибаларидан хабардор бўлишни истайдилар. Шу боис, уларни тажриба ўрганиш учун футболи ривожланган мамлакатларга жўнатиб туриш пайти келди. Яна бир таклиф. Ҳозир турли соҳалар бўйича истеъдодли ёшлар чет элларга ўқишга юборилаётир. **МЕНИМЧА, ЭНГ УМИДЛИ ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ АНИҚЛАБ, ИТАЛИЯ, ГЕРМАНИЯ ЁКИ БРАЗИЛИЯ СИНГАРИ МАМЛАКАТЛАРГА ЎҚИШГА ЖЎНАТИШ МАСАЛАСИНИ ЎЙЛАБ КЎРИШ КЕРАК.**

Энди футболчининг маънавияти ҳақида икки оғиз гап: Назаримда, ҳозир кўпгина футболчиларимиз ўзларига ортиқча бино қўйиб юборишяпти. Худди жаҳон футболи юлдузларидек, ноз билан катта талаблар қўядиган бўлиб қолишди. Тўғри, профессионал клубга ўтилгач, футболчи ўз талабларини қўйишга ҳақли. Аммо шартнома тузилаётганда ҳар иккала томон масалага виждонан, инсоф билан ёндашмоғи керак. Юртим, Ватаним, халқим деган футболчилар машина устига машина сўрашдан, фалон долларларни талаб қилишдан ор қилишади. Маънавий қашшоқ футболчиларгина бугун бойиб қолишни, ким кўпроқ тўласа ўшанга эргашиб кетаверишни афзал кўришади.

Ҳозир спортчининг ғурури ҳақида гапираётиб, ўтган йили қашқадарёлик бир полвоннинг айтган гапи ёдимга тушиб кетди. «Қўшни туманнинг мураббийлари мендан ўз полвонларига ютқазиб беришимни илтимос қилишди. Эвазига катта пул ваъда беришди. Мен уларга «пул учун ҳеч қачон полвонингни остига ётмайман», деб жавоб бердим.

Нега ҳамма спортчиларда ана шундай ғурур йўқ. Нега мустақиллик, Ватан туйғулари уларни ҳаяжонга солмайди? Калаванинг учи яна болалар мураббийларига бориб уланади. Мураббий — устоз. У ўз шогирдининг нафақат жисмоний камолоти, балки маънавий тарбияси учун ҳам масъул. Кўпгина корхоналар, ўқув юртлари, ҳарбий қисмлар, ички ишлар бўлимларида ёзувчи, шоир, олим, сиёсатчилар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Бироқ спорт мактабларида, футбол жамоаларида бундай тадбирларни кўрмаганман. Нима, спортчига маънавиятнинг, сиёсатнинг, халқаро аҳволнинг алоқаси йўқми? Имони бут бўлмаганлар, Ватаним, халқим деб юраги жиз этмаганлардан нимани кутиш мумкин. Болалигидан қалбига Ватан туйғуси сингдирилганларгина Ватан шарафи учун жонини аямайди. Ўзи учун эмас, юртим учун, деб майдонга тушади. Бундайлар бошқалардан чидамлироқ, кучлироқ бўлади. Бундайларни эл, Ватан ҳамиша ардоқлайди.

**Сафар ОСТОНОВ.**

# КИТОБ САВДОСИДА ЎНГЛАНИШ БЎЛАДИМИ?

## «Китобсавдо» акционерлик жамияти раиси Аваз ҒУЛОМОВ билан суҳбат



**-- Аваз ака, китобнинг кишиларга берадиган маънавий қудрати, халқимиз маърифатини оширишдаги ўрни ҳақида ҳамма билади. Сиз билан китоб савдосидаги ютуқлар эмас, айнан муаммолар хусусида суҳбатлашсак. Аввало, китоб савдосидаги бугунги аҳвол, унда кечаётган жараёнлар ҳақида бир-икки оғиз гапирсангиз.**

-- Ҳозирги кунда республикамизда Давлат матбуот қўмитаси тизимига қарашли 205 та китоб дўкони фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 10 та махсус букинистик дўкон ва уларнинг 30 дан ортиқ бўлимлари ишлаб турибди. Республикамиз аҳолисининг маънавий эҳтиёжини қондиришда кутубхоналарнинг ҳам ўрни беқиёс. Ҳозир тизимимизда 10 мингдан ортиқ кутубхонани китоб билан таъминловчи 16 та муассаса ҳам иш олиб бораяпти. Лекин кутубхоналар томонидан олиб кетиш учун танлаб қўйилган китоблар ана шу муассасаларда узоқ вақт туриб қолаяпти. Сабаби, кутубхоналарнинг маблағи йўқ.

Республикамиз мактабларини дарсликлар билан таъминлаш борасида режали иш юритилаяпти. Дарсликларни вилоят, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларига етказиб бериш марказлаштирилган усулда ва ўз вақтида амалга оширилаяпти. Лекин олинган дарсликлар учун ҳисоб-китоб иши жуда суст кетяпти. Бу ҳол ишимизда қийинчиликлар туғдирмоқда.

**-- Рақамларга қараганда 1991 йили республикамизда 273 та китоб дўкони мавжуд бўлган. Бугунги кунда улар сони 205 та деяпсиз. Нега китоб дўконлари камайиб кетяпти?**

-- Гапингиз тўғри. Сабаби битта. Китоб дўконлари бинолари айрим ҳокимликлар томонидан тортиб олиниб, бошқа ташкилотларга берилаяпти. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 8 та китоб дўкони савдо ташкилотлари ихтиёрига берилди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, пойтахтимизнинг аҳоли кўп яшайдиган Юнусобод даҳасининг 18 ва 19-кварталларида, Бектемир тумани ва Оқ тепа даҳасида ҳали бугунгача китоб дўконлари йўқ. Бу жойларда китоб дўконлари бўлиши қурилиш лойиҳасига ҳам киритилмаган.

**-- Сизни ташвишга солаётган бошқа муаммолар ҳақидаям билишни истардик.**

-- Маълумки, китобни китобхонларга яқинлаштириш мақсадида ҳар куни аҳоли гавжум жойларда савдо уюштириш лозим. Республикамиз китоб савдоси ташкилотлари бунинг учун катта транспорт харажатлари сарфлайдилар. Улар бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ тўғрисидаги қонунига биноан ҳар бир савдо нуқтаси учун 1200 сўм ва китоб савдоси корхоналари ҳам ҳар йили 9900 сўмдан 20 минг сўмгача солиқ тўлайдилар. Номаълум сабабларга кўра китоб савдоси объектлари солиқдан озод этилган ташкилотлар рўйхатига киритилмаган. Ҳеч бўлмаганда 50 фоиз солиқ тўлайдиган муассасалар қаторига киритилганда мақсадга мувофиқ бўларди.

Китоб савдоси ташкилотлари солиқдан озод қилинса, тежалган маблағларни дўконларни таъмирлаш, савдо нуқталарини жиҳозлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби муаммоларни ечишга сарфлаш имконияти туғилган бўларди.

**-- Аваз ака, китобхонларнинг китоб дўконларида ўқимишли китоблар кам, деган эътирозларига қандай қарайсиз?**

-- Дўконларда ўқимишли китобларнинг кўпайиши ноширларимизга боғлиқ. Бундай китобларнинг кўп бўлиши бизнинг ишимизни ҳам енгиллаштиради. Дўконларимиз пештахталарида китоблар чанг босиб ётмайди. Авваллари ноширлар қандай китоб босишни олдиндан билишарди. Энди шароит мутлақо ўзгарди. Китобхонлар талаб ва эҳтиёжларини ўрганмасдан туриб, китоб нашр қилиш бугунги кунга тўғри келмайди.

Ҳозирги янги жамият қуриш жараёнида кўпгина соҳалар бўйича билимга чанқоқлик юзага келди. Республикамизда аҳолини бундай китоблар билан таъминлаш имконияти ҳозирча йўқ. Шунинг учун ҳам «Байналмилал китоблар маркази» очиш зарурати туғилмоқда. Шунда республикамизда яшаётган турли миллат вакиллари учун ҳам китоб савдоси уюштириш имконияти юзага келади. Бу марказ бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда китоб кунлари, кўргазмалар, декадалар, халқ амалий санъати кўргазмалари, ёш муаллифлар китоблари тақдимотлари, давлат арбоблари ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиш каби тадбирларни амалга ошириши мумкин бўлади. Бундай марказни ташкил этиш ёшлар ўртасида таълим-тарбия иши самарасини оширади. Бошқа мамлакатлар билан маданий ҳамкорликларни янада яхшилашга хизмат қилади.

«Халқ сўзи» мухбири
**Ойбек РАҲИМОВ суҳбатлашди.**


*АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ*

**"ЎЗТАДБИРКОРБАНК"И**

*АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗАДИ*

**КУН ТАРТИБИ:**

1. *"Ўзтадбиркорбанк"нинг 1996 йил иш якунлари ва банк фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис VII сессиясидаги маърузасидан келиб чиқувчи 1997 йилги асосий йўналишлари тўғрисида.*
2. *Банкнинг йиллик баланси,молиявий ҳисоботи ҳақида.*
3. *Банк Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.*
4. *"Ўзтадбиркорбанк" Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақида.*
5. *Банк Кенгаши таркибидаги ўзгаришлар ҳақида.*
6. *Банк Тафтиш комиссияси таркибидаги ўзгаришлар ҳақида.*

**Йиғилиш 1997 йил 14 март соат 10.00 да**
***қуйидаги манзилда ўтказилади:***

**Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 47-уй.**
*"Ўзбектуризм" миллий компанияси маданий-ахборот маркази.*

**Мажлис қатнашчилари 1997 йил 14 март соат 8.00 дан 9.45 гача рўйхатга олинадилар.**

***Қўшимча маълумот олиш учун телефон рақамлари:***
**33-18-75, 33-83-21.**

*Йиғилиш кун тартиби ҳақида, "Ўзтадбиркорбанк" муассасалари фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга йўллашингизни сўраймиз.*

**700047, Тошкент шаҳри,**
**С. Азимов кўчаси, 52"А"-уй.**

*"Ўзтадбиркорбанк" бошқаруви.*

**Тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандлар!**

**"ТАШАББУС"**
**ТАНЛОВИ**

**фаолиятингизни намоён этишда қулай имкониятдир!**

Ташкилотчилар: Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси,Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси,Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки,"Бизнес-фонд","Мадад" суғурта агентлиги,"Пахтабанк","Ўзтадбиркорбанк",Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фонди, Осиё-Европа Траст компанияси, "Ўзинвестлойиҳа" инжиниринг компанияси.

Танловда: ўз фаолиятларида юқори кўрсаткичга эришган кичик ва ўрта корхона эгалари ва раҳбарлари,фермерлар,хусусий тадбиркорлар,ҳунармандлар иштирок этишлари мумкин.

**Танловни ўтказиш муддатлари:**
**1997 йил**

| | |
|---|---|
| **Вилоятларда** | 25 февралдан 5 мартгача |
| **Республика босқичида** | 15-20 мартда бўлади |

Республика, вилоят танловларида фахрли ўринни эгаллаганлар 3-12 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар,қимматбаҳо мукофотлар оладилар. Уларнинг фаолиятлари ва товарлари мамлакатимиз ва хорижда тақдимот (презентация) қилинади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа ташкилотчиларнинг жойлардаги идораларида қабул қилинмоқда.

**"Ташаббус" танлови ташкилий қўмитаси.**

**«Ўзтадбиркорбанк»нинг номи ёзилган 0136501 сонли оддий акцияси ҳамда 0098501 сонли оддий акция сертификати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

**Эркаклар бақувват бўлиши керак**




Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти Котибият ходими Н. А. Парпиевага онаси
**Рохиля АСХАДУЛИНАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги жамоаси вазирлик ТМЭ инспекцияси етакчи мутахассиси Алтунбек Абдуллаевга онаси
**Маҳаррам ИБРОҲИМОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Сувқурилиш--Таҳлил» аудиторлик фирмасининг жамоаси, фирма раҳбари Шухрат Холматовга отаси
**Тошбой ХОЛМАТОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев.
Навбатчи —Ғ. Юсупов.
Мусаҳҳиҳ —А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 088 44.000 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.20 1 2 3 4 5 6